

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**250** Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сон ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида» 2011 йил

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

7 февралдаги ПҚ–1474-сон қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш йўли билан уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Банклар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва банкларнинг Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иктисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлаш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш;

республика кредит ташкилотлари томонидан инвестиция лойиҳалари молиялаштирилишини ташкил этишга қўмаклашиш.

2. Белгилансинки:

Жамғарма Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузурида жамоат жамғармаси шаклида ташкил этилади;

Ўзбекистон Банклар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, банклар ҳамда нобанк кредит ва молия ташкилотлари Жамғарманинг муассислари ҳисобланади;

Жамғарма кенгаши Жамғарманинг юқори бошқарув органи ҳисобланади;

Жамғарма бошқаруви Жамғарманинг ижро этувчи органи ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Банклар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, банклар ҳамда нобанк кредит ва молия ташкилотларининг:

Жамғарманинг 1-иловага мувофиқ муассислари таркибини ва бошланғич миқдорини шакллантириш тўғрисидаги;

муассисларнинг маблағлари Жамғарма кенгаши томонидан белгиланган миқдорда ҳар йили Жамғармага йўналтирилиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармасининг кенгаши таркиби 2-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармасининг штат бирликлари чекланган умумий сони 4 нафар бўлган ижро этувчи органи тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма бошқаруви раиси Жамғарма кенгашининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Жамғарманинг ижро этувчи органи таъминоти Жамғарма кенгаши то-

---

\* 2-илова берилмайди.

монидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида, Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

6. Қуйидагича тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

Жамғарма маблағларидан фақат иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш (кейинчалик кўрсатиб ўтилган харажатлар лойиҳани молиялаштириш бошлангандан кейин банк кредити суммасига киритилган ва Жамғарма маблағлари кредитор банк томонидан қайтарилган ҳолда), шунингдек Жамғарманинг жорий харажатларини қоплаш учун фойдаланилади;

битта лойиҳа бўйича Жамғарма харажатларининг энг кўп суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас;

лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлаш, кейинчалик Жамғарма кенгаши томонидан маъқулланган ҳолда, Жамғарманинг ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобига лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлашни ўтказиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Банклар уюшмаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Жамғарманинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Жамғарманинг буюртманомаларига биноан ахборот материалларини имтиёзли тарифлар бўйича жойлаштирсинлар.

10. Жамғарма Банкларро молиявий хизматлар марказининг Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уйдаги биносига ижара асосида жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 16 июнь,  
175-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 16 июндаги 175-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги  
Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини  
тайёрлашни молиялаштириш жамғармасининг бошланғич  
миқдори муассислари  
ТАРКИБИ**

Т/р	Жамғарма муассислари	Бадал суммаси (млн сўм )
1.	Ўзбекистон Банклар уюшмаси	60,0
2.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	55,0
3.	«Асака» ДАТБ (ОАЖ)	55,0
4.	«Агробанк» ОАТБ	55,0
5.	Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки	55,0
6.	«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ	55,0
7.	«Микрокредитбанк» ОАТБ	40,0
8.	«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ	40,0
9.	«Ипотека-банк» АТИБ	40,0
10.	«Ипак Йўли» ОАИТБ	30,0
11.	«Алоқабанк» АТБ	30,0
12.	Ўзбекистон-Германия «Савдогар» АТБ	30,0
13.	«Туронбанк» ОАТБ	30,0
14.	«Ҳамкорбанк» ОАТБ	30,0
15.	«ЎзҚДБ банк» ЁАЖ	30,0
16.	«Капиталбанк» ОАТБ	30,0
17.	«Ўзбекистон-Туркия банк» ЁАЖ	30,0
18.	«Трастбанк» ХОАББ	30,0
19.	«Кредит-стандарт» ОАТБ	30,0
20.	«Давр-банк» ХЁАТБ	25,0
21.	«Универсал Банк» ХОАТБ	25,0
22.	«AMIRBANK» ХОАТБ	25,0
23.	«Самарқанд» ОАТБ	25,0
24.	«Royal Bank of Scotland O'zbekiston MB» ЁАЖ	25,0
25.	«ASIA ALLIANCE BANK» ХОАТБ	20,0
26.	«Туркистон» ХОАТИБ	20,0
27.	Эрон «Садерот» банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банки	20,0
28.	«Равнақ-Банк» ХОАТБ	20,0
29.	«Ўқтамбанк» ОАТБ	20,0
30.	«Invest Finance Bank» ХОАТБ	20,0
31.	«HI-TECH BANK» ХЁАТБ	20,0
32.	«ORIENT FINANS» ХЁАТБ	20,0
33.	Савдо-саноат палатаси	20,0
34.	«Ўзбекинвест» МСК	20,0
35.	«IShONCh» БСК МЧЖ	20,0
	<b>Ҳаммаси</b>	<b>1 100,0</b>

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 16 июндаги 175-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Инвестиция  
лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни  
молиялаштириш жамғармасининг ижро этувчи органи  
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 4 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 16 июндаги 175-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Инвестиция  
лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни  
молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобига лойиҳа  
ғояларини танлов бўйича танлашни ўтказиш ва уларнинг  
лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлашни ўтказиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар танлов ўтказишнинг мақсади ҳисобланади:

кейинчалик уларнинг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш учун иқтисодийнинг устувор йўналишларида энг истиқболли лойиҳа ғояларини танлаш;

тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари бўйича энг фойдали таклифлар билан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларни ва молиялаштирувчи банкларни аниқлаш.

Қарорлар қабул қилишда очиқлик ва холислик, танлов қатнашчилари

учун тенг рақобат шароитлари яратиш танлов ўтказишни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**лойиҳа** — иқтисодий ва бошқа фойдалар олиш мақсадида инвестицияларни амалга оширган ҳолда олдиндан белгиланган вақт мобайнида бажариладиган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар ва ишлар комплекси;

**лойиҳа ғояси** — лойиҳа ташаббускори томонидан ишлаб чиқилган, қарз маблағларни жалб этишни назарда тутувчи лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги таклиф;

**лойиҳа ташаббускори** — кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланадиган, унинг ташаббуси бўлган лойиҳа ғоясини амалга ошириш мақсадида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун маблағлар қидириш тартиботларида қатнашувчи юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти;

**ишлаб чиқувчи** — қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳалаш ташкилоти, инжиниринг ва консалтинг компанияси;

**лойиҳа ҳужжатлари** — лойиҳани амалга оширишнинг имкониятини ва мақсадга мувофиқлигини, унинг самарадорлиги баҳосини асословчи ҳужжатлар (бизнес-режа, дастлабки техник-иқтисодий асослаш, техник-иқтисодий асослаш ва бошқалар).

4. Танловга улар бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш имкониятини, шунингдек лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчини аниқлаш учун лойиҳа ташаббускорларининг лойиҳа ғоялари қўйилади.

Танлов очиқ тартибда ўтказилади.

5. Танловни тайёрлаш ва ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш Жамғарманинг ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади.

6. Танловда ушбу Низомда белгиланган тартибда буюртманома берган ва танлов шартларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлган лойиҳалар ташаббускорлари қатнашиши мумкин.

7. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

кичик тадбиркорлик субъектларидан лойиҳа ғояларини қабул қилиш;

лойиҳанинг истиқболлигини олдиндан аниқлаш учун тушган лойиҳа ғояларини банкларга юбориш;

банкларда қизиқиш пайдо қилган энг истиқболли лойиҳа ғояларини танлаш;

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчини аниқлаш юзасидан танлов эълон қилиш;

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун танлов қатнашчиларидан танлов таклифларини ва зарур ҳужжатларни қабул қилиш;

тушган танлов таклифларини баҳолаш, танлов ғолибини аниқлаш ва натижаларни расмийлаштириш;

танлаб олинган лойиҳа ғоялари ташаббускорларига банклар томонидан молиялаштиришни жалб этишда кўмаклашиш.

8. Техник жиҳатдан янгиликка эга бўлган лойиҳа ғоялари, шунингдек

инвестиция жиҳатидан жалб этувчан бўлган ва жорий этишнинг истиқболли имкониятига эга бўлган ғоялар танлов бўйича танлашда қатнашишга қўйилади.

Иқтисодиёт тармоқларида янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, ишлаётган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатидан янгилаш лойиҳа ғояларини танлашда устувор йўналишлар ҳисобланади.

9. Такдим этилган лойиҳаларни баҳолаш ва танлов бўйича танлаш қуйидаги мезонлар гуруҳлари бўйича амалга оширилади:

лойиҳа ғоясининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги;

тавсия этилаётган технологиянинг янгилиги, лойиҳани амалга оширишда илғор ишланмалардан фойдаланилиши;

таклиф этилаётган ғояларни жорий этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, меҳнат унумдорлигини ошириши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириши, унинг сифатини яхшилаши, маҳаллий хом ашё ҳамда материаллардан фойдаланиш имконияти ва бошқалар.

10. Буюртманомаларни такдим этиш тартибининг аниқ тавсифи баён қилинган ҳолда лойиҳа ғояларини танлаш бўйича танлов ўтказишнинг санаси ва жойи тўғрисидаги ахборотнома Жамғарманинг ижро этувчи органи томонидан, танлов ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва Интернет тармоғига жойлаштирилади.

Лойиҳа ғояларини қабул қилиш танлов ўтказилишидан икки кун олдин тўхтатилади. Белгиланган муддатдан кейин берилган буюртманомалар танлов бўйича танлашга қўйилмайди.

11. Жамғарманинг ижро этувчи органи тушган лойиҳа ғоялари реестрини танловнинг белгиланган кунда шакллантиради ва:

тушган лойиҳа ғояларини икки кун муддатда уларнинг ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан дастлабки танлашни амалга оширади. Дастлабки танлашдан ўтмаган лойиҳа ғоялари кейинчалик кўриб чиқишга қўйилмайди;

лойиҳа ғоясини кейинчалик киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва уни амалга ошириш учун кредит маблағлари бериш имконияти тўғрисидаги масалани банклар билан беш кун муддатда кўриб чиқади.

Лойиҳа ғояларини дастлабки танлаш ва банклар билан ишлаб чиқиш натижалари шакллантирилган реестрга киритилади.

12. Лойиҳа ғоясини амалга оширишдан манфаатдорлик тўғрисида банклар тасдиқномаси тушгандан кейин икки кун муддатда дастлабки танлаш натижалари ва шакллантирилган реестр Жамғарма кенгашига киритилади.

Жамғарма кенгаши дастлабки танлов бўйича танлаш натижаларини кўриб чиқади ҳамда бир ҳафта муддатда танлов бўйича танлаш қатнашчиларининг лойиҳа ғояларини маъқуллаш ва тасдиқлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Натижаларни тасдиқлаш очик овоз берган ҳолда, кўпчилик овоз билан

амалга оширилади. Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кўриб чиқиш ва танлаш натижалари протокол билан расмийлаштирилади, у Кенгашнинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва уни раис тасдиқлайди.

Ҳомийлик кенгаши фаолиятнинг турли соҳаларидаги, иқтисодиёт тармоқлари ва минтақалардаги бир нечта лойиҳа ғояларини голиблар деб эътироф этиши мумкин.

13. Жамғарманинг ижро этувчи органи протокол имзолангандан кейин икки кун муддатда лойиҳа ташаббускорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Салбий қарор қабул қилинган тақдирда лойиҳа ғояси бўйича тўпланган ҳужжатлар қайтарилади. Бунда Жамғарманинг ижро этувчи органи лойиҳа ташаббускорларининг лойиҳа ғоялари ошкор этилмаслиги ва махфийлиги юзасидан жавоб берадилар.

14. Жамғарманинг ижро этувчи органи протокол имзолангандан кейин икки кун муддатда танлаб олинган лойиҳа ғояларининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш санасини белгилайди ва танлов эълон қилади.

Танлов ҳужжатларини олиш шартлари кўрсатилган ҳолда танловни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги ахборот танлов ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва Интернет тармоғига жойлаштирилади.

15. Танлов бўйича танлашда қатнашишни хоҳловчи талабгорлар танлов ҳужжатлари пакетини олиш учун Жамғарманинг ижро этувчи органига ёзма буюртманома беришлари керак. Буюртманомалар бериш ва танлов ҳужжатларини олиш учун белгиланган муддат танлов бўйича танлаш ўтказиладиган санадан 5 кун олдин тугайди. Барча буюртманомалар тартиб рақами кўйилган ва ип ўтказиб боғланган махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

16. Танлов ҳужжатлари пакетига қуйидагилар бўлади:

танлаб олинган лойиҳа ғояси бўйича тўпланган ҳужжатлар;

қатнашчи тўғрисидаги маълумотлар шакли;

танлов бўйича танлаш қатнашчиси учун йўриқнома;

қатнашчининг танлов таклифлари шакли;

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан контрактнинг намунавий шакли.

17. Қатнашчи танлов ҳужжатлари пакетининг қийматини эълонларни чоп этиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлашнинг амалдаги таннархи бўйича тўлаши керак. Тушган маблағлар Жамғарма ижро этувчи органининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва улардан фақат танлов бўйича танлашни ўтказиш учун фойдаланилади.

18. Танлов таклифларини қабул қилишнинг тугаш санаси ва вақти ўтказиладиган танлов бўйича танлаш тўғрисидаги эълонда ижро этувчи орган томонидан кўрсатилиши керак.

19. Танлов таклифларини қабул қилиш танлов бўйича танлов ўтказилишидан икки кун олдин тугайди.

Жамғарманинг ижро этувчи органи ишлаб чиқувчиларнинг танлов таклифларини ёпиштирилган конвертларда қабул қилади.

20. Танлов кунда Жамғарма кенгаши ишлаб чиқувчиларнинг таклифлари жойланган конвертларни очади ва оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қилади. Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчини танлаш қўйидаги мезонларга мувофиқ амалга оширилади:

танлов таклифининг қиймати;

ишлаб чиқувчининг ихтисослашуви;

шунга ўхшаш лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тажрибасининг мавжудлиги;

илгари улар бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган лойиҳаларни тижорат банклари томонидан келгусида молиялаштиришга доир ижобий мисолларнинг мавжудлиги;

лойиҳа амалга оширилгунгача уни кузатиб бориш (зарур бўлганда).

Танлов натижалари протокол билан расмийлаштирилади, уни Кенгашнинг барча аъзолари имзолайди ва у раис томонидан тасдиқланади.

21. Жамғарманинг ижро этувчи органи танлов ўтказилгандан кейин икки кун муддатда ишлаб чиқувчини — танлов ғолибини, шунингдек лойиҳа ташаббускорини Жамғарма кенгашининг қарори тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади ва ишлаб чиқувчилар билан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан шартнома тузади.

22. Жамғарма томонидан ишлаб чиқувчига маблағларни тўлаш улар ўртасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан тузилган шартнома муддатлари ва шартларига мувофиқ амалга оширилади.

23. Шартнома бўйича ишларни бажариш муддатларига мувофиқ лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тугаллангач лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқувчи томонидан Жамғарманинг ижро этувчи органига киритилади.

24. Жамғарманинг ижро этувчи органи ишлаб чиқувчи томонидан тақдим этилган лойиҳа ҳужжатлари лойиҳаларнинг ташаббускорлари ва манфаатдор банклар билан биргаликда кўриб чиқилгандан кейин, бажарилган ишлар далолатномасини ишлаб чиқувчи ва лойиҳа ташаббускори билан имзолайди.

25. Жамғарманинг ижро этувчи органи томонидан лойиҳа ҳужжатлари, лойиҳа ташаббускори билан келишган ҳолда, лойиҳанинг келгусида молиялаштирилишини аниқлаш учун манфаатдор банкларга киритилади.

26. Жамғарманинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга сарфланган маблағлари суммаси лойиҳани молиялаштирувчи банк кредити суммасига қўшилади ва Жамғармага банк томонидан молиялаштириш очилгандан кейин беш банк куни мобайнида қопланади.

27. Тижорат банклари томонидан лойиҳани молиялаштириш бўйича салбий қарор қабул қилинган тақдирда ёки лойиҳа 6 ой мобайнида молиялаштирилмаганда Жамғарманинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлари Жамғарма кенгаши қарорига кўра Жамғарманинг асосий фаолиятдан кўрган зарарларига киритилади.

28. Жамғарма кенгашининг танлов ғояларини танлов бўйича танлашни ўтказиш ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштиришнинг барча босқичларидаги қарорлари Жамғарма кенгаши раиси томонидан тасдиқланадиган тегишли протокол билан расмийлаштирилади.

29. Ушбу Низомда акс этирилмаган қўшимча масалалар ва тартиботлар Жамғарма кенгашининг алоҳида қарорлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Банклар уюшмаси  
хузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича  
лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молия-  
лаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобига  
лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлашни  
ўтказиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини  
тайёрлашни молиялаштириш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш  
юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун  
БҮЮРТМАНОМА**

1. \_\_\_\_\_  
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2. \_\_\_\_\_  
(тақдим этилаётган лойиҳа ғоясининг тўлиқ номи)

3. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., боғланиш телефонлари, факси, почта манзили, электрон почтаси)

4. Буюртманомага қуйидаги материаллар илова қилинади:

инвестиция таклифи;  
инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигини кафолатлайман.

Ташкилот раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо, муҳр)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Буюртманомога  
1-ИЛОВА

### **Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

1. Лойиҳанинг номи.
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:  
номи ва реквизитлари;  
фаолиятининг асосий тури;  
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Базасида лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:  
корхонанинг номи ва реквизитлари;  
фаолиятининг асосий тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;  
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);  
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;  
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;  
кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисидаги маълумотлар:
  - 4.1. Маркетинг:  
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;  
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;  
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);  
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
  - 4.2. Ишлаб чиқариш:  
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслари билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;  
зарур бўладиган ходимлар сони.
  - 4.3. Қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш:  
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналиш.
  - 4.4. Молиялаштириш:  
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;

объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;  
 лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз  
 маблағларга бўлган эҳтиёж.

5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:  
 кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;  
 экспорт ҳажми.

Буюртманомага  
 2-ИЛОВА

### Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг доллар		
1.1.	миллий валютада	млн сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг доллар		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн доллар		
2.1.	шу жумладан асбоб-ускуналар харид қилиш учун	минг доллар		
2.2.	қурилиш-монтаж ишларига	минг доллар		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн сўм		
3.1.	шу жумладан асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натурал ифодада	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан экспорт учун	ўлчов бирлигига мувофиқ		